O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 28 август, № 170 (4323) Сешанба


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОНИ**

## Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн олти йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

*Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, бетакрор истеъдоди, серқирра ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:*

### "Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби"

**Алимов Фарҳод Ғуломович** — Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори, композитор

### "Ўзбекистон Республикаси фан арбоби"

**Аминов Собиржон Ниғматович** — Тошкент фармацевтика институти кафедра мудири

**Асроров Асқархон** — Тошкент тиббиёт академияси хирургия кафедраси профессори

**Маликов Восит Маликович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти бўлим мудири

**Расулов Абдуғафур Раҳимович** — Ўзбекистон Миллий университетининг жаҳон адабиёти ва назарияси кафедраси профессори

### "Ўзбекистон Республикаси халқ артисти"

**Матлуба Дадабоева (Халилова Мавлуда)** — Юнус Ражабий номидаги "Мақом" ансамбли хонандаси

### "Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми"

**Бахромов Икром** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи рассом

### "Ўзбекистон Республикаси халқ устаси"

**Юнусов Маҳаматали Юсупович** — "Уста Юсуфжон наққош" хусусий корхонаси ёғоч ўймакор устаси

**Қосимов Маҳмуджон Маъруфович** — "Устазода" корхонаси ганч ўймакори

### "Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси"

**Отемуратов Ғайратдин Қайипович** — Қорақалпоғистон Республикаси Генжебай бахши номидаги "Мухаллес" дуторчилар ансамбли бадиий раҳбари

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист"

**Деҳқонова Жамила Алимовна** — Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусиқали драма театри актёри

**Меналиев Эскандер Энверович** — Алишер Навоий номидаги Давлат опера ва балет академик катта театри балет солисти

**Назарбеков Озодбек Аҳмадович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ашула ва рақс ансамбли хонандаси

**Назаров Одилжон Фозилович** — "Сўғдиёна" халқ чолғулари камер оркестри созандаси

**Султабаев Жалғасбай** — Бердах номидаги Қорақалпоғистон давлат мусиқий театри актёри

**Султонов Нормўмин Намозович** — Алишер Навоий номидаги Давлат опера ва балет академик катта театри опера солисти

**Тиллаев Учқун Тўраевич** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Тожибоев Комилбой** — Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма театри актёри

**Шодиев Эркин Хушмуродович** — Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театри актёри

**Шодиева Раъно Одиловна** — "Ўзбекфильм" киностудияси актёри

**Қодиров Абдумаъруф Воҳидович** — Республика Ёш томошабинлар театри актёри

**Ҳамроқулов Самандар Рустамалиевич** — "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандаси

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи"

**Олимжонова Зуҳра Йўлчибоевна** — Ўзбекистон давлат санъат институти катта ўқитувчиси

**Сон Светлана Михайловна** — Қорақалпоғистон Республикаси 1-сонли "Меҳрибонлик уйи" директори

**Тошмуродов Маҳамадиёр Эргашевич** — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, рангтасвирчи рассом

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист"

**Усмонов Аббосхон** — "Правда Востока" газетаси бош муҳаррири

**Иванова Анна Витальевна** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг ахборот назорати ва хабар узатиш хизмати раҳбари

**Ўтбосаров Икромжон** — "Халқ сўзи" газетаси бўлим муҳаррири

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими"

**Бобров Анатолий Андреевич** — Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг етакчи мутахассиси, график рассом

**Дўстаев Турғун Деҳқонович** — Ўзбекистон амалий санъат музейи директори

**Жунайдуллаев Шавкат Ҳамидуллаевич** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Ўзбектелефильм " студияси режиссёри

**Медюлянов Виктор Леонидович** — Бадиий жамоалар ижодий бирлашмасининг камер оркестри бадиий раҳбари ва бош дирижёри

**Мирзаев Фурқат Жалилович** — Самарқанд шаҳридаги 8-сонли маданият уйи ансамбли хонандаси

**Кўчқоров Усмон Сатторович (Усмон Кўчқор)** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

(Давоми 2-бетда).



# ҚУЁШГА ТАЛПИНГАН ҚАЛБЛАР

**Махсус мухбирларимиз Абдували ҚУТБИДДИНОВ ва Абдурасул САТТОРОВ Самарқанддан хабар қилади:**

— 2007 йил, 25 август. Бу сана Ўзбекистон тарихида, самарқандликлар қалбида ўчмас из қолдирди. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган тантаналар айнан шу куни мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида бошланди. Қадимий Регистонда бўлиб ўтган очилиш маросимида республикамиз Президенти Ислом Каримов шаҳар аҳли ва меҳмонларини қутлуғ байрам билан табриклаб, юртдошларимизга ўзининг энг самимий тилакларини изҳор этди. Қувонч ва шодликларга лиммо-лим юбилей тантаналарига «Шарқ тароналари» VI халқаро мусиқа фестивали садолари уланиб кетди.

(Давоми 8-бетда).

*Мустақиллик — менинг тақдиримда!*

**Қадрдон корхонамда 28 йилдан бери ишлаб келаман. Бу йилларнинг ҳар бири мен учун ўчмас тарих. Собиқ тузум даврида завод ночор эди. Даққиюнусдан қолган ускуналар билан ишлаганимиз учун биримиз икки бўлмасди.**

# АРМОНИМИЗ УШАЛДИ



Экологик муҳитга эътибор берилмас, дарахтлар баргида, оёғимиз остида ишлаб чиқарилаётган цемент гарди овора-ю, сарсон этарди. Мурожаатларимизга ҳеч ким қулоқ солмас, фақат режа ортидан қувиш билан кунларни ўтказардик.

Давлатимиз раҳбари юксак минбардан туриб Ўзбекистон мустақиллигини бор овоз билан дунёга эълон қилди. Ўша кунлар хотирамда. Корхона ишчиларининг қувончи оламга сиғмасди. Ниҳоят, ҳуррият ўзининг биринчи одимини қўйди. Мамлакат осмонида тинчлик, хонадонларда севинчу қувонч ҳукмронлик қилди. Мана шунга ҳам ўн олти йил тўлаяпти.

Оталар икки қўлини очиб: бахтингни берсин, болам, деб дуо айлайдилар. Ниҳоят, пешонамиз ярқиради. Шу жумладан, заводимизу хонадонимиз ҳам.

Энг қувонарлиси шуки, мустақиллик йилларида корхонамиз ривож топди. Ишчилар ҳаёти яхшиланди. Янги асбоб-ускуналар корхонага қувват, одамларга ғайрат ва ҳиммат бағишлади. Эндиликда компьютер ёрдамида бутун жамоани, шу жумладан, ўзимнинг иш жараёнимни кўриб тураман. Мўъжиза деганлари шу бўлса керак-да.

Ҳуррият йилларида бир ўғлим институтда, бири коллежда ўқиб диплом олди. Ҳозир улар ёнимда корхона шарафи, оила бахтини ўйлаб ишламоқдалар. Иш ҳақи сўнгги йилларда уч бараварига ошди. Эндиликда ер олиб, замонавий, кўркам ҳовли қураяпман.

Ота-боболаримиз орзу қилган кунларга Юртбошимиз бош бўлиб етказди. Ўзбекистондек муаззам Ватан довруғи оламга ёйилди.

Биз бахтиёр халқмиз. Бор бўл истиқлол, биз сени суйиб, севиб ардоқлаймиз. Бошимиз узра офтобинг нур сочаверсин!

**Бобоназар АБДУЛЛАЕВ, «Қизилқумцемент» ОАЖ куйдириш бўлими айланма печ машинисти.**

**Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники**

*Жўйи-жангал Термизнинг йирик маҳаллаларидан. Маҳалла аҳли якдил: бозор, чойхона, стадион қурди. Маҳалланинг қирқ йил мухбир бўлиб ишлаган оқсоқоли Абрай Саидов «Келинглар, газета-журнал сотадиган дўкон қурайлик», деганди одамлар бу гапни ҳам ерда қолдиришмади. Амударёнинг ўнг соҳилида (чап соҳили — Афғонистон Республикаси) жойлашган ҳар қайси жўйи-жангаллик мактабни, кутубхонани, ҳар бир гиёҳ, дарахту ҳар бир ғиштни ўзимники деб билади. Кўзига суртиб асраб-авайлайди. Гурунглар қилиб, мустақиллик йилларида биз жўйи-жангалдан жўйи-жаннат яратдик, деб гапириб қолишади.*

# ҚОРАЧИҚДА ЯШНАГАН ГУЛШАН

Мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрамига билсангиз, маҳалла-кўй йил бошидан тараддуд кўрди: кўча четларига, ҳовлиларга 16 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтқазди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож 16 тадан зиёд оиланинг бошини силаб, уларга моддий ёрдам кўрсатди. Маҳалла ҳунармандлари ва косиблари ҳар бири 16 нафар ёш йигит-қизни шогирдликка тортди. «Жўйи-жангал» бугун чиндан ҳам жаннатмонанд маҳалла. Тўкин бозорида нархнаво арзон. Кўчалари саранжом-сариштали. Чойхонасидан ҳам кўра газета дўконларида, спорт ўйингоҳида одамлар гавжум.

— Кўнглимизнинг ободлиги, айниқса, фарзандларимизнинг хуш хулқию хуш қадамларидан, — дейди маҳалла фуқароси Чори Азимов. — 16 йилда янги авлод — Мустақиллик авлоди вояга етди. Истиқлол руҳидан уларнинг чеҳралари ойдин. Интилишлари ўктам. Қадамлари дадил. Биз авлодимиздан қувониб, унга ишониб яшаяпмиз. Шунинг ўзи — катта бахт.

Шўрчи туманининг Ёш ғайрат маҳалласи эса узоқ бир қишлоқда жойлашган. Бу маҳаллада ҳам Истиқлолнинг қутлуғ муҳрлари бор. 400 дан зиёд хонадонга табиий газ келди. Ичимлик сув таъминоти яхшиланди. Бир вақтнинг ўзида 500 киши шуғулланиши мумкин бўлган муҳташам спорт мажмуаси қурилди. Шаҳарлардаги маҳаллалардан бизнинг нимамиз кам деган ҳавас билан Ёш ғайратнинг кўчала-

(Давоми 3-бетда).

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи нишонланиши муносабати билан Ўзбекистон раҳбарияти ва халқимиз номига хорижий давлатлар, халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, чет эллар жамоатчилик, сиёсий ва илмий доираларининг таниқли намояндалари, маданият ва санъат арбобларидан табрик мактублари келмоқда.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ҳам ўз табрик мактубини йўллади. Унда қуйидаги сатрлар ўз ифодасини топган:**

*«Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,*

*Қутлуғ сана – Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи муносабати билан самимий табригимни қабул этгайсиз.*

*Цивилизация ривожида бу шаҳар ҳақли равишда ўзининг ноёб ўрнига эгадир. Афсонавий тарихий воқеалар, улуғ давлат арбоблари, мутафаккир ва меъморларнинг номи Самарқанд билан боғлангандир. Бу ерда Амир Темур давлатига асос солинган, Мирзо Улуғбек ўзининг фундаментал илмий кашфиётларини рўёбга чиқарган. Меъморий ёдгорликларнинг гўзаллиги ва улуғворлиги шоирлар – Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийларга илҳом бахш этган.*

*Шуниси қувонарлики, бугунги кунда кўҳна Самарқанд келажак сари интилмоқда, у изчил ривож топмоқда, яна ҳам кўпроқ улуғворлик ва гўзаллик касб этмоқда.*

*Стратегик шериклик ва иттифоқчилик тамойилларига асосланган Россия – Ўзбекистон муносабатларининг замонавий, сифат жиҳатдан янги босқичи айнан шу шаҳарда бошланганини қайд этмаслик мумкин эмас. Бизнинг 2003 йили меҳмондўст Самарқанд заминидаги учрашувимизни, шаҳар аҳлининг самимий ва дўстона қабулини доимо илиқлик билан ёдга оламан.*

*Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сизни, ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, қадрдон шаҳрингизнинг юбилейи билан яна бир бор чин қалбимдан қутлайман. Сизга мустаҳкам соғлиқ ва давлат аҳамиятига молик фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман. Самарқандликларга ҳамда кўпмиллатли дўст Ўзбекистоннинг бутун халқига эса бахт, тинчлик ва фаровонлик тилаб қоламан.*

*Ҳурмат билан,*

**Владимир ПУТИН»**

**ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуура** ўз табрик мактубида, жумладан, шундай ёзади: «Мен ўзимнинг ўтган йили сентябрда Ўзбекистонга амалга оширган ташрифимни, шунингдек, ўз иштирокимда жорий йилнинг май ойида Париждаги ЮНЕСКО бош қароргоҳида Самарқанд ва Марғилон шаҳарлари юбилейларига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимлар билан боғлиқ самимий ва илиқ хотираларни асраб-авайлаб ёд этаман.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 33-сессияси қарорларига асосланган ҳолда инсоният цивилизациясининг энг кўҳна марказларидан бири — Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи муносабати билан қутловларга бутун жаҳон ҳамжамияти қўшилишидан хабардор этишни истар эдим».

***"Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали бу сафар Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги тантаналари билан бир пайтда ўтказилиши ўзига хос рамзий маънога эга.***

***Мазкур фестивалда дунёнинг 51 мамлакатидан хонанда ва созандалар қатнашаётир. Улар ижросидаги куй ва қўшиқлар, жозибадор рақслар ҳар куни Самарқанд шаҳрининг Регистон майдонида, «Мўъжиза» амфитеатри, «Ёшлик», «Сўғдиёна» маданият ва истироҳат боғларида намойиш этилмоқда.***

***Тадбирлар чоғида ЎзА мухбири фестивалнинг айрим иштирокчилари билан суҳбатда бўлди.***

# МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ РИВОЖ ТОПГАН ДИЁР

**Ким Кинг Хи (Жанубий Корея):**

— «Шарқ тароналари»нинг қамрови, нуфузи ва аҳамияти, Самарқанднинг бетакрор гўзаллиги ва тарихий обидалари ҳақида аввалги фестивалларда иштирок этган ҳамюртларимдан эшитган эдим. Ушбу анжуманда қатнашар эканман, Самарқанд ҳақидаги, фестиваль ҳақидаги тасаввурларим янада бойиди. Ўзбек халқининг нақадар бағрикенг, меҳмондўст ва санъатсевар эканига яна бир карра амин бўлдим. Бу шаҳарда ўтган кунларим умримнинг ёрқин саҳифаларига айланиб қолади.

**Гулмира Адирбаева (Қирғизистон):**

— Мустақиллик йилларида Самарқандда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари бизни лол қолдирди. Шаҳарнинг муҳташам Регистон майдонида турли миллат ва элат оҳанглари қатори қирғиз халқининг куй-қўшиқлари ҳам ижро этилаётгани қалбимни ҳаяжонга солмоқда. Фестивалга «Дард ўтди» халқ қўшиғи, "Манас" достонидан парчалар, халқ лапарлари ва ўланларини тайёрлаб келганмиз. Дастурларимиз фестиваль иштирокчилари ва самарқандликларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

(Давоми 8-бетда).

# ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ ВА ИФТИХОР РАМЗИ



***Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш, халқ ва Ватан манфаати йўлида хизмат қилаётган фуқароларимизнинг меҳнатини муносиб қадрлаш ҳамда моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш мустақилликнинг илк йиллариданоқ давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.***



Ўзининг ҳалол ва фидокорона меҳнати билан мамлакатимиз тараққиёти, эл фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиб келаётган юртдошларимизни рағбатлантиришга қаратилган, тарихий анъаналаримизни, қадриятларимизни, орзу-интилишларимиз ва порлоқ истиқболимизни акс эттирган давлат мукофотлари ва унвонлари таъсис этилди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1998 йилнинг 28 августида таъсис этилган «Эл-юрт ҳурмати» ордени ва «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони Ватанимизнинг ана шундай юксак мукофотларидандир.

(Давоми 3-бетда).

HERITAGE CENTRAL ASIA
HCA
AUSTRALIA
НАСЛЕДИЕ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

*Heritage Central Asia*

*ташкилотининг*
*Ўзбекистондаги ваколатхонаси*
*бутун Ўзбекистон халқини*
*Мустақилликнинг*
*16 йиллиги билан*
*чин қалбдан табриклайди!*

1221R/1539

BRITISH AMERICAN TOBACCO
UZBEKISTAN

Бритиш Американ Тобако
Ўзбекистон компанияси

Ўзбекистон халқини

*Мустақиллик*
*байрами билан*

муборакбод этади!

**Тинчлик, иқтисодий**
**барқарорлик ва фаровон ҳаёт**
**сизларга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!**

**BALTIC BEVERAGES HOLDING AB**

SARBAST
PLUS

**«SARBAST PLUS» QK**

Ўзбекистон аҳолисини
Мустақилликнинг
16 йиллиги билан
муборакбод этади!

Барчага бахт-саодат,
мустаҳкам соғлиқ тилаб,
республиканинг янада
тараққий этиши
ва гуллаб-яшнашини
истайди.



*Хурматли ватандошлар!*

ASAKA BANK
**«Асака» банки**

**Сизларни кириб келаётган айём —**

**Мустақиллик куни**

**билан табриклайди**

**ва ўз жамғармангизни миллий валютадаги**
**янги муддатли «Мустақиллик—2007»**
**омонатига қўйишни таклиф этади.**

Омонатнинг энг кам микдори – ***100 000 сўм.***

Сақлаш муддати – ***3 ой.***

Омонатга йиллик ***25%*** ҳисобланади.

Омонатчининг хоҳишига кўра ҳисобланган
фоизлар ҳар ойда берилади.

Омонатга маблағлар
2007 йил 5 сентябргача қабул қилинади.

Омонатни банкнинг барча филиалларига қўйишингиз мумкин.

«Асака» банки – маблағингизнинг сақланиши
ва кўпайишига кафолат.

**Сизнинг барча омонатларингиз**
**Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш**
**фонди томонидан кафолатланади.**

Хизматлар лицензияланган

Маълумот учун телефонлар:
120-86-97, 120-86-87, 120-82-60, 120-81-73.

AREVA
Fransiya kompaniyasining
O`zbekistondagi vakolatxonasi

*Sizlarni eng ulug' milliy bayramimiz - Mustaqilligimizning 16 yilligi munosabati bilan muborakbod etadi!*



T&D



# «DESK INVEST»

## ЎЗБЕКИСТОН-АВСТРИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ



**Ўзбекистон халқини улуғ байрам —**

**Мустақилликнинг 16 йиллиги билан муборакбод этади!**

*Барчага мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайди!*

**«DESK INVEST» МАҲСУЛОТЛАРИ ЕМИРИЛИШ ВА ТАШҚИ МУҲИТ ТАЪСИРИДАН ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЛАНГАН.**

Финляндия ускуналари ва Европа технологияси маҳсулотимизнинг **КАМИДА 50 ЙИЛ** хизмат қилишига кафолат беради.

**БИЗ ИШЛАБ ЧИҚАРАМИЗ:**

- 0,5 мм. қалинликдаги юқори сифатли металл черепица;
- 0,5-0,7 мм. қалинликдаги рухланган металл профнастил;
- 1,5-30 мм. қалинликдаги қора металл прокати (листовой черный прокат) доим сотувда.

Манзилимиз: Тошкент ш., З. Шамсуддинова к., 45-уй.
Телефон (99871) 283-06-56. Факс (99871) 290-54-50, (99893) 388-01-27.



# Акциядорлик Тижорат «Пахта Банк»

барча юртдошларимизни улуғ байрамимиз —

**мамлакатимиз Мустақиллигининг 16 йиллиги байрами**

билан самимий муборакбод этади!



*Истиқлол бизнинг йўлларимизни равшан, дилларимизни мунаввар этган, Ватанимизга эрк, халқимизга фаровонлик ато қилгани рост бўлсин!*

*Ушбу қувончли кунларда юртга тинчлик, Сиз азизларга хотиржамлик ва саломатлик, оилавий бахт ва муваффақиятлар тилайди!*

**«ПАХТА БАНК» фаровонлигингиз калитидир!**



**ЯШАШ УЧУН SOLAR MASTER ВАГОНЧАЛАРИ**

- **автономлик** (узоқ ва бориш қийин бўлган жойларда фойдаланишда қулай)
- **мобиллилик** (ташиш ва монтаж қилиш осон)
- **унумлилик** (яшаш, ошхона, офис, санитария-гигиена хонаси сифатида фойдаланиш + ичини алоҳида жиҳозлаш)
- **қулайлик** (иссиқликни сақлаш, хавфсизлик)

**ҚУЁШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚЎЛЛАШ**

Қуёш энергияси билан электр қуввати ишлаб чиқариш, ёритиш ва сувни иситиш учун

**Тел./факс: (+99890) 327-48-39, (99871) 54-77-19.**
**E-mail: info@solar-ct.com**

Маҳсулот сертификатланган.

www.solar-ct.com www.solar-ct.com



**СПЕЦТЕХНИКА ИЗ КИТАЯ**

Под заказ

**РЕАЛЬНАЯ ТЕХНИКА ЗА РЕАЛЬНЫЕ ДЕНЬГИ**

- Грузовики
- Самосвалы
- Седельные тягачи
- Бетоносмесители
- Автокраны
- Трейлеры
- Бульдозеры
- Экскаваторы
- Погрузчики
- Дорожные катки
- Автогрейдеры
- Асфальтоукладчики

Тел.: (+998712) 54-77-19, (+99890) 328-29-48
e-mail: info@spetstehnika.com

www.spetstehnika.com www.spetstehnika.com



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

**КАФОЛАТЛАНГАН КОМПЬЮТЕР ВА БОШҚА ОРГТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Танлов ўтказиш тартиби ҳақида маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: **Тошкент ш., Шота Руставели к., 25-уй. Тел.: 281-35-37, 281-31-50, 150-16-83.**

Танловга таклифлар эълон чоп этилгандан бошлаб 10 кун давомида ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача ва шанба куни соат 9.00 дан 13.00 гача қабул қилинади.



# АТ «АЛОҚАБАНК»

барча ҳамюртларимизни, Ўзбекистон иқтисодий тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилаётган акционерларини, мижозларини, ҳамкасбларини мамлакат

## Мустақиллигининг 16 йиллик тўйи билан

муборакбод этади!

*Сизларга тинчлик-хотиржамлик, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайди!*

*Азиз ва муҳтарам юртдошлар!*

## Акциядорлик тижорат «ALOQABANK»

**қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:**

### «Kommunal plus» омонати

Омонатга ҳисобланган фоизлар коммунал, телефон, уяли телефон ва кабель телевидениеси хизмати тўловларини тўлаш учун ўтказилади.

| | |
|---|---|
| *Омонат муддати —* | *муддатсиз.* |
| *Омонат фоизи —* | *йиллик 30%.* |
| *Энг кам миқдори —* | *50 000 сўм.* |
| *Энг кўп миқдори —* | *3 000 000 сўм.* |
| *Фоизларнинг тўланиши —* | *коммунал хизматлар учун ўтказилади.* |

*Ҳар юзинчи омонатчига АТ «Алоқабанк» совғаси тақдим қилинади. Янги омонатчини жалб қилган омонатчига янгидан жалб қилинаётган омонатнинг 0,5% миқдорида мукофот пули тўланади.*

**Банк омонатлари қонун билан кафолатланган.**

Маълумот учун телефонлар: 152-78-86, 137-49-36, 133-57-29.

### «Sayohat» (путешествие) омонати

Омонатга ҳисобланган фоизлар авиа ва темир йўл чипталари сотиб олиш учун ўтказилади.

| | |
|---|---|
| *Омонат муддати —* | *6 ва 12 ой.* |
| *Омонат фоизи —* | *йиллик 20%.* |
| *Энг кам миқдори —* | *200 000 сўм.* |
| *Энг кўп миқдори —* | *чекланмаган.* |
| *Фоизларнинг тўланиши —* | *олдиндан.* |

**Олдиндан тўланадиган фоиз миқдори омонат миқдори ва муддатига боғлиқ.**

*Ҳар юзинчи омонатчига АТ «Алоқабанк» совғаси тақдим қилинади. Янги омонатчини жалб қилган омонатчига янгидан жалб қилинаётган омонатнинг 0,5% миқдорида мукофот пули тўланади.*

**Банк омонатлари қонун билан кафолатланган.**

Маълумот учун телефонлар: 152-78-86, 137-49-36, 133-57-29.

### «Sog` bo`ling» (будьте здоровы) омонати

Омонатга ҳисобланган фоизлар санаторий, курортларга йўлланма, дорихоналардан дори ва бошқа тиббиёт маҳсулотлари сотиб олиш учун ўтказилади.

| | |
|---|---|
| *Омонат муддати —* | *12 ой.* |
| *Омонат фоизи —* | *йиллик 20%.* |
| *Энг кам миқдори —* | *50 000 сўм.* |
| *Энг кўп миқдори —* | *чекланмаган.* |
| *Фоизларнинг тўланиши —* | *олдиндан.* |

**Олдиндан тўланадиган фоиз миқдори омонат миқдори ва муддатига боғлиқ.**

*Ҳар юзинчи омонатчига АТ «Алоқабанк» совғаси тақдим қилинади. Янги омонатчини жалб қилган омонатчига янгидан жалб қилинаётган омонатнинг 0,5% миқдорида мукофот пули тўланади.*

**Банк омонатлари қонун билан кафолатланган.**

Маълумот учун телефонлар: 152-78-86, 137-49-36, 133-57-29.

### «To`yona» (свадебный подарок) омонати

Омонатга ҳисобланган фоизлар тўй, юбилей, туғилган кун ва бошқа маросимларни ўтказиш учун тўланади.

| | |
|---|---|
| *Омонат муддати —* | *6 ва 12 ой.* |
| *Омонат фоизи —* | *йиллик 20%.* |
| *Энг кам миқдори —* | *100 000 сўм.* |
| *Энг кўп миқдори —* | *чекланмаган.* |
| *Фоизларнинг тўланиши —* | *олдиндан.* |

**Олдиндан тўланадиган фоиз миқдори омонат миқдори ва муддатига боғлиқ.**

*Ҳар юзинчи омонатчига АТ «Алоқабанк» совғаси тақдим қилинади. Янги омонатчини жалб қилган омонатчига янгидан жалб қилинаётган омонатнинг 0,5% миқдорида мукофот пули тўланади.*

**Банк омонатлари қонун билан кафолатланган.**

Маълумот учун телефонлар: 152-78-86, 137-49-36, 133-57-29.

*Шунингдек, банкнинг барча филиалларида мавжуд қуйидаги омонат турларидан фойдаланишингиз мумкин:*

| | | |
|---|---|---|
| «Бахтли болалик» | йиллик 30 фоиз | 3 йилдан 17 йилгача |
| «Алоқачи» | йиллик 24 фоиз | 45 кун |
| «Кони фойда» | йиллик 23 фоиз | 3 ой |
| «Болажон» | йиллик 24 фоиз | 6 ой |
| «Сармоя» | йиллик 23 фоиз | 6 ой |
| «Дельта даромад» | йиллик 21-26 фоиз | 6 ой |
| «Қалдирғоч» | йиллик 22 фоиз | 3 ой |
| «Наврўзи олам» | йиллик 19 фоиз | 3 ой |
| «Навниҳол» | йиллик 19 фоиз | 5 ой |
| «Ғазна» | йиллик 18 фоиз | 2 ой |
| «Очил дастурхон» | йиллик 18 фоиз | 3 ой |
| «Шифокор» | йиллик 18 фоиз | 6 ой |

**Омонатга қўйган маблағларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.**

Қўшимча маълумотларни 152-75-40, 137-49-36 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган филиалидан олишингиз мумкин.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Ёнғин устига зилзила



Грецияда ўрмон ёнғинлари рўй бераётган бир пайтда мамлакат ғарбий ҳудудларида Рихтер шкаласи бўйича 5,1 баллик зилзила қайд этилди. Ҳозирча табиий офат келтирган зарарлар ҳақида маълумот йўқ.

Айни пайтда мамлакат ўрмонларининг 89 та жойида ёнғин ўчоқлари аниқланган. Кучли шамол ёнғинни ўчиришга халақит бермоқда. Тилсиз ёвни бартараф этиш ишларига самолёт ва вертолётлар ҳам жалб этилган. Греция Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакилининг билдиришича, шу пайтга қадар 63 киши ёнғин туфайли ҳалок бўлди.

### Шубҳалар тасдиқланмади

***Ғазо секторида назоратни ўз қўлига олган «ХАМАС» гуруҳи кўзланган мақсадига эришиш йўлида ҳар қандай воситалардан фойдаланиши мумкин.***

Бу ҳақда гуруҳ вакили Фаузи Бархум «NEWSru Israel» мухбирига маълум қилди. Бу маълумотни Исроил ҳукумати вакили ҳам тасдиқлади. Бироқ «ХАМАС» етакчиларидан бири Аҳмад Юсуф гуруҳ нуқтаи назарида ҳеч қандай ўзгаришлар рўй бермаганини ва фаол терактлар содир этишни режалаштирмаётганини билдирди.

### Фалокат оёқ остида

***Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида олти қаватли турар-жой биноси қулаб тушди. Бу ҳақда «NDTV» телеканали хабар тарқатди.***

Сўнгги маълумотларга қараганда, вайроналар орасида икки киши қолиб кетган бўлиши мумкин. Айни пайтда воқеа жойида қидирув-қутқарув ишлари давом этмоқда. Ҳозирда ушбу офатнинг сабаблари ўрганилмоқда. Таъкидлаш жоизки, сўнгги пайтларда Ҳиндистонда кўп қаватли уйларнинг қулаб тушиши тез-тез кузатилмоқда.

### Нефть экспорти камайди

***Россиянинг бир қатор компаниялари, хусусан, «Лукойл» Германияга нефть экспортини камайтирди. Бу ҳақда «Эхо Москвы» радиосига «Транснефть» вице-президенти Сергей Григорьев интервью берди.***

Унинг сўзларига кўра, «Лукойл» ўз мажбуриятларининг барчасини бажариш имконига эга эмас. Ҳозирча экспорт ҳажмининг нима сабабдан камайганига ойдинлик киритилганича йўқ. Сергей Григорьевнинг сўзларига кўра, бунга нефть қувурининг алоқаси йўқ.

### Электростанциядаги фожиа



АҚШнинг Орегон штатида шамолда ишлайдиган электростанцияда бир минора қулаб тушди. Натижада бир киши ҳалок бўлди, яна бир киши эса оғир жароҳатланди. Бу ҳақда «Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Ушбу электростанция «Siemens» компаниясига тегишли. Компания вакилининг сўзларига кўра, бахтсиз ҳодиса рўй берган пайтда мутахассислар станциядаги асбоб-ускуналарни текшириб юрган эдилар. Қулаб тушган миноранинг баландлиги 80 метрни ташкил этади.

### Ҳарбий мутахассислар тақчил



Буюк Британия армияси Ироқ ва Афғонистонда ҳарбий ҳаракатларни давом эттириши учун шахсий таркибда ҳарбий кадрларнинг етишмовчилиги рўй бермоқда, дея хабар беради «The Daily Telegraph» нашри. Сўнгги маълумотларга кўра, ҳарбий тиббиёт ходимларига эҳтиёж кучаймоқда. Бундан ташқари, сапёрлар, учувчилар ва денгиз пиёда қўшинлари сафларини тўлдиришга мутахассислар тақчиллиги кузатиляпти.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

## МАСАЛА ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

▼ Ташаббус

Маҳаллий ҳокимиятлар ва бошқарув идоралари масъул ходимларининг тез-тез жойларга чиқиб, одамлар орасида бўлишида ҳикмат кўп: аввало, улар муайян ҳудуддаги ҳақиқий аҳвол билан яқиндан танишиб, маҳаллий аҳоли қандай орзу-умидлар билан яшаётганидан бохабар бўладилар. Иккинчидан, фуқаролар билан бевосита мулоқотлар мутасаддилар эътиборидан четда қолаётган айрим масалаларнинг ечимини топишда жуда қўл келади.

Зангиота тумани ҳокимлиги ана шуни назарда тутиб, жорий йилнинг июнь ойидан эътиборан анъанавий иш услубига бирмунча ўзгартириш киритди. Ҳар душанба куни бўладиган бошқарув йиғилишини қишлоқ ва қўрғонларга кўчиришга аҳд қилинди. Эзгу мақсадда "Маҳалла" хайрия жамғармаси туман бўлими ҳамкорлигида алоҳида режа ишлаб чиқилди.

Ўзаро келишилган жадвалга мувофиқ, ҳозирга қадар "Чиғатой-Оқтепа", "Иттифоқ", "Назарбек", "Бўзсув", "Зангиота", "Ўзгариш", "Хонобод", "Ўртаовул», "Эркин" қишлоқ фуқаролар йиғинларида сайёр йиғилишлар ўтказилди. Уларда туман ҳокими, ҳоким ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари, тегишли ташкилотлар раҳбарлари, фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла оқсоқоллари ва маслаҳатчилари аҳоли билан юзма-юз суҳбатда бўлдилар.

Энг муҳими, сайёр йиғилишлар кун тартибидан маҳалла-гузарларни ободонлаштириш, кўча-хиёбонларни кўркамлаштириш, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, мавжуд таълим-тарбия масканларини жорий таъмирдан чиқариш, коммунал тўловларни вақтида амалга оширишга оид масалалар ҳамда Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастурида белгиланган вазифалар кенг ўрин олмоқда.

Оммани ўйлантираётган энг долзарб муаммолар олдиндан видеотасвирларга туширилиб, мутасаддилар иштирокида муҳокама қилинмоқда, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, тегишли идоралар раҳбарлари зиммасига аниқ вазифалар юклатилмоқда. Навбатдаги йиғилишда эса уларнинг ижроси бўйича ҳисобот тингланмоқда. Масалан, Хонобод қишлоғида бўлган йиғилишда Ғафур Маҳмудов кўчасидаги аҳвол танқид қилинганди. Бу тез орада ўз самарасини берди. Кўча қисқа фурсат ичида ҳашар йўли билан асфальтланиб, ён-атрофлари тартибга келтирилди.

Бинобарин, мунтазам равишда ўтказилаётган сайёр йиғилишлар зое кетмаётир. Улар маҳаллий ҳокимият билан халқнинг бир-бирига янада яқинлашишига, мавжуд муаммо-вазифаларни жойида ижобий ҳал этишга хизмат қилаётир.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**






*Юй ХУНЦЗЮНЬ:*

## ЎЗБЕКИСТОН — УЛКАН САЛОҲИЯТГА ЭГА МАМЛАКАТ

***Мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида ЎзА мухбири Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юй ХУНЦЗЮНЬ билан суҳбатлашди.***

**— Элчи жаноблари, аввало, Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди. Зеро, ташқи дунё билан алоқаларни кенг кўламда ривожлантириш йўлидан бораётган мамлакатингиз ўз минтақасида хавфсизликнинг асосий таянчи вазифасини ўтаётгани, унинг юксак сиёсий нуфузи ва иқтисодий салоҳияти халқаро миқёсда эътироф этилган.

Хитой-Ўзбекистон муносабатларини ривожлантириш Буюк Ипак йўли орқали ўрнатилган ва равнақ топган тарихий алоқаларни тиклаш, ҳозирги замонавий ҳамкорликни кенгайтириш нуқтаи назаридан ҳам долзарбдир. Мамлакатларимиз давлат раҳбарлари ўртасидаги ҳурмат ва ишонч, муносабатларимизнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамлиги ўзаро алоқаларимизни янада мустаҳкамлашда муҳим омилдир.

ХХР Раиси Ху Цзиньтао 2004 йили давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2005 йилда давлат ташрифи билан Хитойга борди. Ташриф асносида имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига кўтаришга ва алоқалар кўламини янада кенгайтириб, янги мазмун билан бойитишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ва Хитойнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) доирасидаги муносабатлари ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Жорий йилнинг 15-16 август кунлари ШҲТнинг Бишкекда ўтган саммитида икки давлат раҳбарлари учрашиб, минтақа хавфсизлиги ва долзарб халқаро муаммолар ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Албатта, бунда мамлакатларимиз раҳбарларининг ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига қарашлари, халқаро ва минтақавий муаммоларга ёндашувлари ўхшаш эканлиги, Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао ўртасида мустаҳкам дўстона муносабатлар қарор топгани муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, хавфсизликка таҳдид солувчи терроризм, айирмачилик, экстремизм ва наркобизнес каби иллатларга қарши курашда муросасизлик тамойилига ҳар икки давлат бирдек амал қилади.

**— Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг қайси йўналишларини устувор, деб биласиз?**

— Ўзбекистон — улкан иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат. Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистон Республикасини ўзининг энг яқин ва ишончли шерикларидан, деб билади. Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларда сиёсий мулоқотларни фаоллаштириш, хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий, гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш устувор йўналишлардан саналади. Ўзаро муносабатлар анъанавий дўстлик ва ўзаро ишонч руҳида, икки томонлама манфаатдорлик асосида ривожланиб бормоқда. Бунда Ўзбекистон ва Хитой раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Бугунги кунда иқтисодий ҳамкорлигимиз жадал ривожланмоқда. Мазкур соҳада мамлакатларимиз ўртасида кенг қулайлик яратиш тартиби амал қилаётганини таъкидлаш жоиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2006 йилда қарийб 698 миллион АҚШ долларини, жорий йилнинг январь-июнь ойларида эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 92 фоиз ошиб, 361,2 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Мазкур кўрсаткични бир миллиард АҚШ долларига етказиш ниятидамиз.

Ўзбекистондан Хитойга энергия ресурслари, нефть ва нефть кимёси маҳсулотлари, пахта толаси, ипак, ўғит, мева-сабзавот каби маҳсулотлар экспорт қилинади. Хитойдан Ўзбекистонга механик ва электрон ускуналар, оптик аппаратлар, дори-дармон, тўқимачилик, озиқ-овқат маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса буюмлар, рангли ва қора металлардан, ёғочдан тайёрланган маҳсулотлар импорт қилинади.

Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган 136 қўшма корхона, 26 Хитой компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар енгил саноат, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ахборот технологиялари каби соҳаларда иш олиб боради.

Юртингизда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлик учун яратилган қулай муҳит хитойлик ишбилармонларнинг мамлакатингизга қизиқишини тобора оширмоқда. Бу омил келгусида ҳамкорлигимизнинг янада кенгайишига хизмат қилади.

Олий ўқув юртлари алоқаларининг самараси сифатида Тошкент давлат шарқшунослик институтида Конфуций номидаги Ўзбекистон — Хитой институти, Хитой Миллатлар марказий университетида ўзбек тили бўлими очилганини қайд этиш ўринлидир.

Маданият ва санъат намояндаларининг алоқалари ҳам жуда фаол. Хитойлик созанда ва хонандалар ҳар икки йилда Самарқандда ўтказиладиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашадилар. Хусусан, бу йилги фестивалда ҳам Хитойдан маданият вазирининг ўринбосари раҳбарлигида санъаткорларнинг катта делегацияси иштирок этмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида, шунингдек, энергетика манбаларини тадқиқ этиш ва ўзлаштириш, нефть кимёси, энергетика, транспорт, машинасозлик, алоқа ва ахборот технологиялари, таълим, спорт соҳаларидаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Амалдаги Техникавий-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим алоқаларни ривожлантириш жараёнини соддалаштиришга, янги йўналишларни очишга хизмат қилади.

**— Ўзбекистонда истиқлол йилларида рўй берган ўзгаришлар ҳақида фикрингиз?**

— Хитой ўзбек халқининг ўз миллий хусусиятларидан келиб чиқиб танлаган тараққиёт йўлига, мустақилликни мустаҳкамлаш, суверенитет ва ҳудудий яхлитликни дахлсиз сақлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларига катта ҳурмат билан қарайди.

Ўзбекистон нафақат Марказий Осиёда, балки жаҳон миқёсида ҳам муҳим мамлакат эканини таъкидламоқчиман. Юртингизда истиқлол йилларида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилди. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ошди.

Мустақил Ўзбекистонда тинч ва осойишта ҳаёт ҳукм сурмоқда. Юртингизда халқ фаровонлигини янада юксалтиришга, ижтимоий ва сиёсий барқарорликни таъминлашга катта эътибор қаратилаётир. Ўзбекистоннинг истиқболи порлоқ эканига қатъий ишонаман. Зеро, Ўзбекистон ҳар томонлама улкан имкониятларга эга мамлакатдир.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини ва мамлакатингиз раҳбариятини Мустақиллик айёми билан чин юракдан муборакбод этаман. Халқингизга тинчлик-омонлик, бахт-саодат ва янада юксак фаровонлик тилайман.

**ЎзА мухбири**
**Ирода УМАРОВА**
**суҳбатлашди.**


«СОВПЛАСТИТАЛ» ҚК

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб қўшма корхона ташкил этилганлигининг 20 йиллиги арафасида

ишлаб чиқараётган маҳсулотларига ўз тарихида мисли кўрилмаган даражада қуйидаги

ЧЕГИРМАЛАРНИ эълон қилади:







Барча турдаги пластмасса маҳсулотларига 30% дан 50% гача.

Сополдан ишланган маҳсулотларига 30% гача.

Юқори бадиий чинни маҳсулотларига 20% гача.

Матодан ишланган сунъий гулларга 30% гача

«YALPIZ» МЧЖ

ООО «YALPIZ»

ҲАММА НАРСА ОФИС УЧУН

Қоғоз ф-т А-4 «СНЕГУРОЧКА» «IQ economy» кенг ассортиментдаги канцтоварлар, хўжалик моллари ва телефон аппаратлари



Маҳсулот сертификатланган.

ТОНЕРЛАР: «CANON», «HP», «SAMSUNG»

Манзил: Тошкент ш., Лутфий к., 2-уй.
Тел.: (8371) 173-96-14, 173-97-00.
Факс: 173-97-00. E-mail: yalpiz06@mail.ru

